Fidoyilik – Vatanga xizmat demak!

Zarafshon

www.zarnews.uz
https://www.facebook.com/zarnews.uz
@zarnews_uz
https://twitter.com/zarnews_uz

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan

E-mail: zarafshong@umail.uz

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг

2020-yil 20-avgust, payshanba, 91 (23.371)-son

Кун ҳикмати

Интизомли киши вақтдан самарали фойдалана олади

СЕН - ҚУДРАТ МАНБАИ, САОДАТ МАСКАНИ, ЖОНАЖОН ЎЗБЕКИСТОНИМ!

Вилоят ҳокимлигида

Кейинги йилларда ёғингарчилик мавсумида Самарқанддаги мавжуд ариқ-зовурлар, хусусан, коллектор ва дренаж тармоқлари оқова сув ҳажмини кўтаролмай кўча ва йўлларни сув босиб, айрим ҳудудларда уй-жойларга сув кириши кузатилмоқда. Ёғингарчилик туфайли тўпланган сувларнинг "йўли"ни топиб кетолмаслигига тармоқлар атрофида турли қурилишлар қилиб, аҳоли томонидан эгаллаб олингани ҳам сабаб бўляпти. Айрим бино ва иншоотлар ариқлар устида қурилгани учун каналларнинг ўтказувчанлик сиғими камайиб, баъзи жойларда сув йўлининг тўсилишига олиб келган.

Ирригация лойиҳаларини ким, қачон амалга оширади?

мутасаддилар амалга оширилажак ишлар ҳақида вилоят ҳокимлигида тақдимот ўтказди

Вазиятни чуқур таҳлил қилган вилоят ҳокими ташаббуси билан канал ва коллекторлар муҳофаза зонасини тиклаш бўйича амалий ишлар бошланди. Бунда биринчи навбатда тартиб-қоидаларга мос бўлмаган қурилмалар бузилиб, каналлар атрофидаги ноқонуний тўсиқлар олиб ташланяпти.

Шунингдек, ҳар бир ҳудудда амалга оширилажак ишлар учун алоҳида лойиҳалар ишлаб чиқилиб, пудратчилар аниқланган. "Ўзмахсуссувмонтаж" масъулияти чекланган жамияти ва Самарқанд шаҳар ободонлаштириш бошқармаси масъуллигида тайёрланган лойиҳалар экспертизадан ўтказилган. Ҳафта бошида мутассадилар вилоят ҳокимига бажарилиши лозим бўлган ишлар, уларни амалга ошириш тартиби ҳақида ахборот берди.

Хусусан, Рудакий кўчасидан Чуқур йўл кўчасигача бўлган ҳудуд учун лойиҳага Самарқанд шаҳар ободонлаштириш бошқармаси пудратчи сифатида белгиланган. Бир неча кундан сўнг ушбу ҳудудда диаметри 1600 метр бўлган қувурларни ётқизиш ишлари бошланади. Мутахассисларнинг айтишича, эски канал ҳам сақланиб қолинади, янги қурилма қўшимча дренаж тизими бўлади.

Мирзо Улуғбек кўчасидаги "Динамо" стадиони томондан теннис кортигача бўлган коллектор яна бир ҳафтадан сўнг очилади. Яъни, мазкур йўналишда қайта реконструкция ва қўшимча янги қувур ётқизиш ишлари бошланади.

Дарвоқе, ушбу манзилда яна бир хайрли ишга қўл урилмоқда: самарқандликлар ва шаҳримиз меҳмонларининг пиёда ҳаракати даврида хавфсизлигини таъминлаш мақсадида "Динамо" ўйингоҳи яқинида ер ости йўли қурилади.

Касаба уюшмалари раиси ўз ўрнида қолди

Вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмасининг VII ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди.

Унда вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг 2015 йил июлдан 2020 йил июлгача бўлган даврдаги фаолияти юзасидан ҳисоботи ва вилоят кенгашининг навбатдаги устувор вазифалари муҳокама этилди.

Ҳисобот йиғилишида ўтган йиллар давомида бирлашмага фуқаролардан жами 1089 мурожаат келиб тушгани айтиб ўтилди. Мурожаатларнинг 358 таси бирлашма ходимлари томонидан ҳал этилиб, қаноатлантирилган.

Меҳнат муҳофазаси бўйича ҳисобот даврида 482 та бошланғич ташкилотда меҳнат муҳофазаси йўналишида ўрганишлар ўтказилган. Ўрганишлар жараёнида аниқланган камчиликларни бартараф этиш тўғрисида 459 та иш берувчиларга бажарилиши шарт бўлган тақдимномалар киритилган. Меҳнат муҳофазаси бўйича ҳисобот даврида жами 11 455 марта бошланғич ташкилотларга амалий ёрдам кўрсатилган.

Конференцияда вилоят ҳокими Э.Турдимов, республика касаба уюшмалари федерацияси раиси ўринбосари Б.Маҳмадалиев иштирок этди ва касаба уюшмалари ташкилотлари фаолиятини кучайтириш, бошланғич ташкилотларнинг ўрни ва ролини ошириш юзасидан ўз таклифларини билдирди.

- Аслида иш берувчи солиқ, прокурордан эмас, касаба уюшмасидан қўрқиши керак, - деди Э.Турдимов. – Негаки, касаба уюшмаси иш берувчини ходимларга яхши шароит яратиб беришга мажбурлайдиган ташкилот. Шунингдек, бу ташкилот халқ дардини эшитадиган ва йиқилганни суяйдиган бўлиши лозим. Кейинги йилларда касаба уюшмалари тизими ана шунга эришмоқда. Аммо бошланғич ташкилотларнинг ўрни сезилмаяпти. Улар муаммони олиб чиқиб, жамоатчиликка кўрсата олиши, ҳал этишга ҳаракат қилиши зарур.

Конференцияда вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмасининг янги таркибдаги кенгаши сайланди. Шу пайтгача кенгашга раҳбарлик қилган Суҳроб Рафиқов навбатдаги муддатга ҳам раисликка тасдиқланди.

Шунингдек, йиғилишда бирлашманинг бошқа раҳбар органлари, Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси қурултойига делегатлар сайланди.

Ҳусан ЭЛТОЕВ.

Муносабат

Ўзбекистон – дунё цивилизацияси ва ислом равнақига улкан ҳисса қўшган улуғ алломалар, азиз-авлиёлар юрти. Бундай улуғ алломалар қаторида Абу Мансур ал-Мотуридийни ҳам келтириш мумкин.

АЛЛОМА

меросини чуқур тадқиқ этишга имконият

Имом Мотуридий нафақат Марказий Осиёда, балки бутун ислом оламида ўз муносиб ўрнига эга бўлган диний арбоблардан биридир. Абу Мансур ал-Мотуридий сунний эътиқодидаги икки йирик оқимлардан бири бўлмиш Мотуридия оқимининг асосчиларидан ҳисобланади.

Алломанинг ҳаёти ҳақида маълумотлар жуда оз бўлиб, тўлиқ исми Абу Мансур Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Ҳанафий ал-Мотуридий ас-Самарқандийдир. У фиқҳ ва калом масалалари билан қизиқиб, Ҳанафия мазҳаби олимларидан дарс олиб, ўз билимини оширган. Бутун умри давомида шу соҳага оид асарлар ёзиб қолдирган.

3-саҳифа »»

Ёқилғи қуйиш шохобчаларида

санитария-гигиена хонаси бўлиши шарт. Акс ҳолда...

Вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган навбатдаги аппарат йиғилишида Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 21 сентябрдаги "Йўл бўйи туристик инфратузилмани янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорининг ижроси таҳлил қилинди.

Қайд этилганидек, шаҳар ва туманлар ҳудудидан ўтувчи М-39, М-37 ва А-377 магистрал йўл бўйи ҳамда туманлараро ички автомобиль йўллари ёқасида жойлашган автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчаларида жамоат мақсадларига мўлжалланган санитария ва шаҳарсозлик норма ва қоидалари талабларига жавоб берадиган санитария-гигиена шохобчалари билан жиҳозлаш ишларини 2020 йилнинг 1 мартига қадар якунлаш белгиланган.

Вилоят ишчи гуруҳи томонидан вилоятда фаолият кўрсатаётган 584 та автомобилларга ёқилғи қуйиш объектларида санитария-гигиена шохобчалари хатловдан ўтказилиб, қарор талаблари асосида ишлаб чиқилган намунавий лойиҳалар барча тадбиркорлик субъектларига етказилган.

Аммо бугунги кунга қадар бор-йўғи 291 та шохобча санитария-гигиена талабларига мослаштирилган.

Энди М-37, М-39, А-377 магистраль автомобиль йўлларида Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига асосан жорий йил 1 сентябрдан бошлаб санитар-гигиеник шохобчаларни талаб даражасига келтирмаган ёқилғи қуйиш шохобчалари фаолияти тўхтатилади.

Хотин-қизлар бандлиги муҳим масала

Вилоят ҳокимлигида хотин-қизлар бандлигини таъминлаш борасида олиб борилаётан ишлар таҳлил қилинди.

Маълумотларга кўра, маҳаллабай ишга жойлаштириш ишлари тизимли йўлга қўйилмаган. Хусусан, бугунги кунда вилоятда меҳнатга лаёқатли, ишсиз хотин-қизлар сони 51 минг 863 нафарни ташкил этади.

Қайд этилишича, хотин-қизларни касбга ўргатиш ва уларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида 954 маҳалладан 4433 нафар хотин-қизларнинг рўйхати шакллантирилиб, бандлик марказлари ва "Хотин-қизлар тадбиркорлиги маркази"га ўқитиш учун тақдим этилган. Аммо Самарқанд шаҳрида 78 та, Паст Дарғом туманида 14 та маҳаллада касбга ўргатиш ва уларнинг бандлигини таъминлаш учун тегишли рўйхат шакллантирилмаган.

Таъкидланишича, аёллар бандлигини таъминлаш бўйича Ургут ҳамда Қўшработ туманлари тажрибаларини оммалаштириш чоралари кўрилмоқда.

"Хотин-қизлар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш жамоат фонди" ҳисобидан жорий йилнинг июль ойида «Микрокредит банк» вилоят бўлимига 2 миллиард 200 миллион сўм ҳамда Халқ банкига 4 миллиард 516 миллион сўм кредит ресурслари келиб тушган. Ушбу ресурс маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимлари тавсияси асосида эҳтиёжманд, тадбиркорлик қилиш истагидаги хотин-қизлар ва оилаларга ажратилмоқда.

Бугунги кунгача 7 туманда тадбиркорлик ишини бошлаган 60 нафар хотин-қизларга 1 миллиард 441 миллион сўм кредит ажратилган. Бироқ Самарқанд шаҳри, Жомбой, Иштихон, Каттақўрғон, Қўшработ, Нарпай, Пайариқ, Самарқанд ва Тойлоқ туманларида бу борада ҳеч қандай иш бошланмаган.

Ё.МАРҚАЕВ.

Ургутга борар йўллар кенгаймоқда

Ватанимиз мустақиллигининг 29 йиллиги арафасида Ургут туманидаги тош ва тупроқ йўллар таъмирланиб, асфальт ётқизилмоқда.

"Булунғур шаҳри – Ургут шаҳри – М-39" автомобиль йўлининг М-39 автомагистралидан Ургут тумани марказигача бўлган қисми тегишли дастур асосида 2018-2019 йилларда капитал таъмирланган эди. Айни пайтда ушбу йўлни яна олти метрга кенгайтириш ишлари бошланди. Бу юмушни "Боғишамол йўллардан мунтазам фойдаланиш" корхонаси йўлсозлари амалга оширмоқда.

Мазкур йўлнинг Ургут шаҳридан ўтувчи 2-3-километридаги таъмирлаш ишлари "Ургут туман йўллардан фойдаланиш" давлат унитар корхонаси томонидан бажарилмоқда. Корхона раҳбари Эшмамат Аблоёровнинг таъкидлашича, бу ерда йўлга янгидан асфальт ётқизиш билан бирга ирригация тизимини янгилаш, пиёдалар йўлаклари ва кўча атрофини ободонлаштириш ишлари амалга оширилади.

Алишер ИСРОИЛОВ.

Самарқандда тест синовлари 11 кун давом этади

Жорий йил вилоятимиздаги тўққизта олий ўқув юртига ўқишга кириш мақсадида 139 минг 874 нафар абитуриент рўйхатдан ўтган. Самарқанд шаҳрида ўтказиладиган тест синовларида 134 минг 244 нафар абитуриент қатнашади.

Самарқандда тест синовларини ўтказиш учун жойлар ажратилиб, тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Жараёнлар еттита очиқ майдонда, яъни Самарқанд тумани Конигил маҳалласи ҳудудидаги спортнинг эшкак эшиш тури бўйича республика ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар олимпия захиралари мактабининг 4 та ҳудуди, Самарқанд шаҳридаги Депо кўчасида жойлашган «Локомотив», Кимёгарлар шаҳарчасидаги "Нурафшон" ҳамда Сартепа масканидаги 2-сонли болалар ва ўсмирлар спорт мактаби футбол стадионларида ўтказилиши белгиланди.

3-саҳифа »»

COVID-19

Қисқа, аниқ ХАБАРЛАР

Самарқандда 19 август куни 32 нафар коронавирусга чалинган бемор аниқланди. Ҳозирги кунга қадар вилоятда яшовчи 1523 нафар фуқарода "Covid-19" ташхиси расмий тасдиқланган бўлиб, 144 нафари даволаш ва тақсимлаш марказида, 23 нафари уй шароитида даволанмоқда. Бугунги кунга қадар 1353 нафар фуқаро касалликдан тўлиқ тузалди.

Бир гуруҳ россиялик шифокорлар Самарқандга ташриф буюриб, вирусни даволаш бўйича ҳамкасбларига ўз тавсия ва таклифларини беришди.

15 августдан бошлаб вилоятда 30 га яқин зиёратгоҳ, тарихий обида ҳамда музейлар карантин қоидаларига риоя қилган ҳолда иш бошлади. 150 та меҳмонхона махсус йўриқнома қоидаларига амал қилиб, фаолият кўрсатмоқда.

Жиззах автомобиль заводида "Volkswagen Caddy" транспорт машиналари базасидаги ишлаб чиқарилган тез тиббий ёрдам автомобилларининг навбатдаги партияси вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасига етказилди.

Ургут тиббиёт коллежида коронавирусга чалинганларни даволаш учун 500 ўринли вақтинчалик махсус шифохона ташкил этилмоқда. Коллеж спорт залида 80 ўринли реанимация бўлими ташкил этилади.

ФРИЛАНСИНГ нимани англатади?

Юртимизда бирор корхона, идора ёки ташкилотда ўзига қулай иш тополмасдан юрган, доимий иш ҳақига эга бўлмаган, бироқ турли мавсумий меҳнат билан банд бўлган ёки оиласида томорқа билан шуғулланиб, даромад топадиганлар кўпчиликни ташкил этади. Аммо уларнинг фаолияти ҳеч қаерда қайд этилмасди. Бу эса шу тоифадаги аҳолининг пенсия ёшига етганда нафақа тайинлаш учун талаб қилинадиган меҳнат стажи йўқлиги муаммосини келтириб чиқарарди.

Улар бирор жойда фаолият кўрсатади, даромад топади, аммо расман қайд этилмагач, ишсиз ҳисобланади. Бундай шахслар ишлаб иш билан банд эмас ва ишсиз ҳам эмас.

Бу ижтимоий муаммога Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 июлдаги "Ўзини ўзи банд қилган фуқароларга вақтинчалик меҳнат гувоҳномаси бериш тартиби тўғрисида"ги ҳамда Президентимизнинг 2020 йил 8 июндаги "Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари барҳам берди.

Келинг, ҳолатни батафсил таҳлил қилайлик.

Ўзини ўзи банд қилган фуқароларга меҳнат гувоҳномаси меҳнат органлари томонидан уларнинг доимий яшаш жойидан қатъи назар, фаолият кўрсатаётган жойида пулли асосида берилади. Демак, расман ёлланиб якка тадбиркор сифатида рўйхатга олинмаган, ўзи ишлаб, бировнинг меҳнатидан фойдаланмайдиган, жисмоний ва юридик шахсларга хизматлар кўрсатиш, ишларни бажариш бўйича шахсий меҳнати билан иштирок этадиган фуқаролар ўзини ўзи иш билан банд қилган ҳисобланади. Шунингдек, иш ва хизматларни кўрсатишда фаолиятини мустақил амалга оширадиган, шу йўл билан даромад топадиганлар вақтинчалик меҳнат гувоҳномаси бериладиган шахс саналади.

Юқоридаги принцип асосида вақтинчалик меҳнат гувоҳномалари берилган санадан бошлаб пенсияни ҳисоблаб чиққунга қадар амал қилади. Ушбу ҳужжат унинг меҳнат стажига асос ҳисобланади. Ўзини ўзи банд қилган мақомига эга бўлган бундай фуқароларни ташкилотлар шартнома асосида хизматлар кўрсатиш бўйича фаолиятга жалб қилиши мумкин. Фақат битта хусусияти, бундай фуқаролар меҳнатига ҳақ тўлаш ягона ижтимоий тўловни ҳисоблаб чиқиш объекти ҳисобланмайди. Демак, уларга тўланган иш ҳақи умумий иш ҳақи фондига киритилмайди.

Вазирлар Маҳкамасининг юқорида таъкидланган қарорига асосан "вақтинчалик меҳнат гувоҳномалари берилганлиги учун тўлов ундиришдан тушган маблағнинг 60 фоизи бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига - ўзини ўзи банд қилган фуқаро томонидан ягона ижтимоий тўловни тўлаш ҳисобига йўналтирилади. 20 фоизи Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасига, 20 фоизи туман ва шаҳарлар бюджетларига йўналтирилиши белгиланган. Ўзини ўзи банд қилган фуқаро бу ҳужжатга асосан вақтинчалик меҳнат гувоҳномаси амал қиладиган даврда Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан тўланадиган ишсизлик бўйича нафақани ва касбга ўқиш даврида стипендияни ололмайди.

Солиқ кодексига мувофиқ, ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг меҳнат фаолияти натижасида олинган даромадлари жисмоний шахслар жами даромадлари таркибига киритилмайди. Ушбу ҳолатда ўзини ўзи иш билан таъминлаган аҳолининг даромадларидан солиқ ушланмайди. Бу ҳам аҳолига тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун қўшимча имконият ҳисобланади. Шу йўл билан ҳам аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш ва қонуний меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун шарт-шароит яратилади.

Президентимизнинг 2020 йил 8 июндаги "Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан 2020 йил 1 июлдан бошлаб ўзини ўзи банд қилган шахсларни рўйхатга олиш хабар бериш тартибида амалга оширилади. Бунда ўзини ўзи банд қилган шахсларга рўйхатдан ўтганликни тасдиқловчи матрицали штрих код (QR-код) берилади. Бу махсус мобиль илова ёхуд солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали амалга оширилади. Ўзини ўзи банд қилган шахслар, иштирокчилари сони камида уч нафар бўлган оилавий корхоналар 2020 йил учун ижтимоий солиқни ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида ҳақиқатда ишлаган вақтидан ва топган даромадидан қатъи назар айланмадан солиқни базавий ҳисоблаш миқдорининг камида 50 фоизини тўлайди.

Ушбу сумма тўлиқлигича бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига йўналтирилади ва ундан келиб чиққан ҳолда якка тартибдаги тадбиркорлар учун ўрнатилган тартибда пенсия ҳисоблаш учун даромад ҳажми аниқланади. Шу билан бирга ўзини ўзи банд қилган шахслар ёлланма ишчиларни жалб қила олмаслиги ҳамда иш берувчига эга бўлмаслиги тўғрисидаги талаб сақланиб қолади. Бундай шахсларда имкониятлар пайдо бўлиши билан тадбиркорлик фаолиятини бошлаши мумкин.

Юқоридаги қарорда ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг фриланссинг, деб аталиши ва мос равишда уларга бир қанча ҳуқуқлар берилиши кўзда тутилган. Хўш, бу атама нимани англатади?

Бу сўз инглиз тилидан таржима қилинганда «эркин ходим» (эркин ишчи) маъносини англатади. Бундай ходимлар ишларини (хизматларини) масофадан туриб ахборот коммуникация ресурслари, оммавий ахборот воситалари ва ўзларининг шахсий узатув воситалари ёрдамида ўзлари тавсия қилади. Бу хизмат бировларнинг иштирокисиз икки томонлама амалга оширилади. Ҳозирги пайтда бундай хизмат турлари Ғарбий Европа ва АҚШда кенг тарқалган. Бундай хизматга бизда ҳам эҳтиёж бор. Демак, эркин ишчи фаолияти бизда ҳам ривожланади.

Мамаюнус ПАРДАЕВ,
СамИСИ профессори.

✓ *Қарор ва ижро*

Камбағалликни қисқартириш мамлакатимиз раҳбарияти томонидан энг муҳим масала сифатида белгилаб берилгани ҳар бир раҳбар ва сектор бошлиғининг бу борада алоҳида масъулият билан иш олиб боришини тақозо этмоқда. Бунда эҳтиёжманд оилалар "темир дафтар"га киритилиб, уларга комплекс ёрдам кўрсатилмоқда.

Прокурор сектори тажрибаси:

Камбағалларга истаги ва лаёқати асосида шароит яратилади

- Ҳудуддаги 14 та маҳалланинг ҳар бирида камбағалликни қисқартириш бўйича рўйхатга олинган оилаларнинг доимий даромад манбаини яратиш ва меҳнатга лаёқатли аъзоларини иш билан таъминлашга эътибор қаратяпмиз, - дейди Пайариқ туманидаги 2-сектор раҳбари, туман прокурори Шуҳрат Тоштемиров. - Масалан, бир маҳаллада иссиқхонадан йилига 20-30 миллион сўм даромад олинаётган бўлса, бошқасида товуқ ва жўжа боқиш йўлга қўйилган. Давлат бюджетидан ажратилган субсидиялар асосида ҳар бир маҳаллада 30-35 тадан оилага иссиқхоналар қурилмоқда. Баҳорги экиш даврида "Челак томорқа" масъулияти чекланган жамияти билан ҳамкорликда помидор, булғор қалампири ва бошқа кўчатлар, картошка уруғлари етказиб берилди.

Пайариқ тумани шароитида қўй ва эчкичилик, товуқчилик, деҳқончилик, иссиқхоналарда маҳсулот етиштириш жуда қулай. Камбағал оилаларни шу йўналишдаги тадбиркорлик фаолиятини бошлашлари учун сектор ҳудудида қайси оиланинг рағбати ва тажрибаси қандай экани ўрганилиб, шунга мос тарзда амалий ёрдам кўрсатилмоқда.

- Устаман, одамларнинг уй-жойларини таъмирлаш билан шуғулланаман, - дейди Гулзор маҳалласида яшовчи Элёр Нурмуродов. - Аммо томорқамиз катта бўлса-да ундан унумли фойдаланиш ҳақида ўйламаган эканмиз. Туман прокурорининг таклифи билан ҳовлимда иссиқхона қурдим. Бугун маҳалламизда камбағаллар рўйхатига тушган 33 хонадон аъзолари ҳам иссиқхона қуриб, рўзғорига қўшимча даромад олиб кириш билан банд.

Дарвоқе, маҳаллада 81 нафар камбағаллик рўйхатига киритилганларнинг 37 нафари жамоатчилик асосида ишга олинган. Режа асосида ташкил этилаётган ярмаркаларда уларга қўй, эчки, товуқ, ғоз ва ўрдак тарқатилмоқда. Хуллас, маҳаллада ҳамма бирор фойдали меҳнат билан шуғулланиши учун шароитлар яратиляпти.

- Инкубация қишлоқ шароитида жуда сермаҳсул соҳа, - дейди Кўпаки маҳалла фуқаролар йиғини раиси Бобир Шомуродов. – Туман прокурори бошчилигида инкубаторлар олиб келиниб, кам таъминланган оилаларга тарқатилаётгани хонадонларда бандликни таъминлаш баробарида, тухум ва товуқ гўшти мўл бўлишида муҳим омил.

Бундан ташқари, сектор раҳбари ташаббуси билан тумандаги Туркибола, Алиобод, Гулзор, Жавшар ота ва бошқа маҳаллалардаги ижтимоий ҳимояга муҳтож, шарт-шароити оғир оилаларнинг уйи таъмирланди.

- Камбағалликни қисқартириш борасидаги ишларни ташкил қилишда талаб ва истакларини инобатга олган ҳолда одамларнинг иштиёқи ва шу соҳани давом эттириб кета олиш лаёқатини ҳисобга оляпмиз, - дейди Ш.Тоштемиров. – Бунда маҳаллаларда ўтказилаётган суҳбатлар муҳим омил бўлмоқда. Мисол учун, бундан 10-15 кун олдин Жавшар ота маҳалласида одамларга бугун ҳар бир фуқаро тадбиркорликка интилиши зарур экани, бунинг учун барча шароитлар яратиб берилиши тушунтирилди. Мулоқотлар давомида кам таъминланган оилалар вакилларидан соҳага қизиқувчи, тикишни ўрганган 12 нафар хотин-қиз тикув машинаси олиш истагини билдирди. Ҳозирда уларга тикув машиналари олиб бериш чоралари кўриляпти.

Аслида камбағалликни қисқартириш бўйича олиб борилаётган ишлар энди бошланмоқда. Бунда муҳтож оилаларга нафақат ёрдам кўрсатилади, балки доимий даромад манбаи шаклланиб, камбағалликдан чиқиб кетгунларига қадар қўллаб-қувватлаб борилади.

Пайариқ туманида, хусусан, прокурор бошлиқ 2-секторда камбағалликни қисқартириш борасида бугунгача муайян тажриба тўпланди. Масалан, Шўртепа маҳалласидаги қишлоқ хўжалигида фойдаланилмай келган 600 гектар лалми ер томчилатиб суғориш усулида ўзлаштирилди. Аҳамиятлиси, бу ерда 1000 нафардан кўпроқ ёшларнинг бандлиги таъминланди. Баҳрин ва Дўстлик маҳаллаларида ҳам ана шундай йирик лойиҳа амалга оширилиши режалаштирилган.

Азамат ТОВБОЕВ,
Пардабой ЭРГАШЕВ.

---

16 ёшида ўз пулига машина олган ишбилармон

хитойликларни лол қолдирган дастурчи билан суҳбат

Тадбиркорлик пул топиш йўлидаги ҳаракатми ёки қизиқишларинг, ўрганган соҳангнинг етук устаси бўлгач, пулни ўзи келтирадиган жараёнми? Тўғри, бу масалада фақат бир томонлама фикр билдириб бўлмайди. Сабаби, истаймизми, йўқми, аксар тадбиркорлар, аввало, пул топиш, сармоясини кўпайтириш учун шу иш билан шуғулланади. Аммо шундай тадбиркорлар борки, улар ишини қизиқишдан бошлаган. Қизиқиш деганимиз шунчаки нимани-дир ўрганиш, томоша қилиш эмас, бирор соҳага қалб кўрини бериш, ўша соҳа уники эканини ўз вақтида англаш, ҳаёти шу соҳа билан мазмунли эканлигини тушунишдир.

Самарқандлик тадбиркор - Хайрулла Мамасолиев ҳам худди шундай инсонлардан. Катта лойиҳаларга қўл урган тадбиркор билан суҳбатимиз унинг ташаббус ва лойиҳалари ҳақида бўлди.

- Сизни фаол блогер, ташаббускор сифатида биламиз, аммо бу соҳага алоқам йўқ, деб айтяпсиз.

- Тадбиркорман… Фақат атрофдаги воқеа-ҳодисалар, Самарқандга, муҳтож инсонларга бефарқ эмасман. Шунинг учун ижтимоий тармоқларда қийин вазиятда қолган инсонларга ёрдам беришга мўлжалланган гуруҳлар ташкил қилдик, самарқандликлар орасида озми-кўпми танилдик. Шунинг учун бўлса керак, баъзилар блогер деган хаёлга боради. Йўқ, ахборот тарқатиш, блогерлик билан шуғулланмайман. Фақатгина ишимиз тақозосига кўра одамларга ахборот беришга тўғри келгани ва кўпчилик бунга қизиққани учун тармоқларда фаолмиз. Яхши ишни бошласанг унга қўшилиб, ёрдам берадиганлар ҳам кўпаяр экан. Самарқандда ижтимоий дўкон ташкил қилдик, кенг аҳоли қатлами бунга жалб этилди. Буни қарангки, кўпчилик шундай ташаббусга қўшилиш, одамларга ёрдам қўлини чўзишни ич-ичидан истаб турган экан. Кўнгиллилар, муҳтожлар учун кийим-кечак олиб келиб берувчилар кўпайди. Муҳтож аҳолига ёрдам берадиган гуруҳлар мунтазам ишлай бошлади. Бу фаолиятга нафақат тадбиркорлар, балки блогерлар ҳам қўшилди, кўмак берди, маҳсулотларни тарқатишда, одамларнинг савоб ишга қўшилишига ҳисса қўшди.

- Самарқанддаги "Эзгулик кутубхонаси", Сардоба фожиасидан жабр кўрганларга ёрдам лойиҳаларингиз ҳам анча оммалашди. Одамларга ёрдам беришга иштиёқ пайдо бўлганини қачон ҳис қилгансиз? Табиатан шундаймисиз ёки бу фаолиятингизга нимадир туртки бўлганми?

- Болалагимдан шундай ўсганман. Эс-эс биламан, ўртоқларимга қандайдир яхшилик қилсам, ўзимни жуда эркин ва яхши ҳис қилардим. 15 ёшимда ковуш кийиб футбол ўйнаётган болаларни кўриб, чидаб туролмагандим. Уларни йиғиб, дўконга олиб борганим ва ҳаммасига кеда, тўп олиб берганим ёдимда. Ўшанда ўзим ҳам 15-16 ёшли ўспирин эдим. Ўйламанг, бу ҳаракатимдан сўнг ўзимни қаҳрамон ҳис қилганим йўқ, шунчаки хотиржам бўлганман, холос. Эҳтимол, оилада шунака тарбия кўрганим учунми, ҳарҳолда кимгадир ёрдам бериш менга доим таскин беради.

- Отангизнинг жамғармасидан бўлганми бу хайрия?

- Йўғ-е, унақа эмас. Ўша пайтиёқ ўзимнинг маблағимга машина ва телефоним бўлган (у пайтлари уяли телефон камдан-кам одамда бўларди). Машинамни фақат маҳалламиз ичида ҳайдардим.

- 16 ёшли ўспириннинг шунча катта маблағи бўлиши ақлга сиғмайдику…

- Ўтган аср 90-йилларнинг боши, компьютер технологиялари мамлакатимизга энди кириб келаётган пайтлар. Аниқ фанларни яхши кўрардим, уйимизда компьютер бор эди. Уни ишлатиб, ичидаги бор функцияларни ўрганишга жуда эрта қизиққанман. Кўп дастурларини ўша ёшимдаёқ ўзлаштириб олгандим. Бу билимим борлигини эшитиб, кўпчилик илтимос қилиб келадиган бўлди. Сабаби, аксар йирик корхоналар компьютерда иш бошлашга киришган, аммо уни тушунадиган мутахассис кам эди. Вояга етмаган бўлсам ҳам Самарқанддаги бир нечта банклар мени ишга таклиф қилишди. Аввалига Жомбой туманидаги корхоналардан бирида ишладим (шу туманда вояга етганман), кейин банкка таклиф қилишди. Тўғри, банк каттароқ маош ваъда қилди, лекин мен маблағ учунмас, балки у ерда янги русумдаги компьютер жамланмалари борлиги учун ўтганман. Шу тариқа 16 ёшимда яхшигина жамғарма бўлган менда. Қаердаки, ўзим қизиққан соҳани ўрганиш, олдингидан яхшироқ ўзлаштиришга имкон бўлса, ўша ерга қараб кетавердим.

- Лойиҳаларингиз хилма-хиллигига қараганда ҳалиям шу феълингиз бор…

- Бу феъл ўзим билан қолса керак. Ростдан ҳам бир иш доирасида қолиб кетишни истамайман. Қаердаки янгилик бўлса, шунингдек одамларга, айниқса ёшларни қўллаб-қувватлашга, уларнинг вақтини мазмунли ўтказиб, келажакда оиласига, жамиятга керакли инсон бўлиб улғайишлари учун шароит билан боғлиқ фаолият бўлса, иккиланиб ўтирмайман.

- Ҳали 18 га кирмасдан турли ташкилотларда "талаш" бўлган мутахассис қандай қилиб бу жараёндан ажралиб чиқди?

- Кейин турли алоқа компанияларида ишладим. Юқорида айтганимдай, техника билан боғлиқ ҳар қандай соҳани ўзлаштиришга қизиқишим кучли. Хитой билан ҳамкорликдаги алоқа компанияларидан бирида ишлаётган пайтим дастурлардан бирига ўзгартириш киритиш зарур бўлиб қолди. Хитойлик мутахассислар бунинг иложи йўқлигини айтишганда, уни амалга оширишга уриниб кўрдим ва уддаладим. Ўшанда улар мени Хитойдаги бош офисига ишлашга таклиф қилишди. Лекин кўнмадим. Шундан сўнг ҳам техника соҳаси билан боғлиқ йўналишларда ўзимни синаб кўришга интилдим. Дейлик ҳозир ҳам Багги автомашиналарини (спорт, аттракционлардаги пойга мақсадларида фойдаланиладиган машина) ясаяпмиз. Уни Нурободдаги йирик лойиҳамизнинг бир аттракциони сифатида қўллаймиз.

- Дарвоқе, Нурободдаги йирик лойиҳа анча овоза бўлди. Унинг амалга ошишига ишонмаганлар ҳалиям бор.

- Ҳар қандай ишни осонликча бажаришнинг иложи йўқ, аммо лойиҳа пишиқ бўлгани учундир, вилоят ҳокими қўллаб-қувватлади. Барча ишнинг ортида машаққат бор. Тўғри, ҳалиям ушбу лойиҳага ишончсизлик билдираётганлар бор. Карантин туфайли қурилиш жараёнлари тўхтаб қолган бўлса-да, аммо асосий ишни бошлаб олдик. Инвесторларимиз хитойлик бўлгани учун қурилиш масалаларида узилиш бўлиб турибди. Нуробод туманидан 160 гектар ер ажратилган ушбу киношаҳарча ҳақида батафсил оммавий ахборот воситаларида хабарлар чиқди. Унда киномактаб, кинотўгарак, дор йўли, кино олиш учун шароит, томошагоҳлар қуриш кўзда тутилган. Шунингдек, айни пайтда Қорасув масканида замонавий кинотеатр қуряпмиз. Умумтаълим мактабларига яқин ҳудудларда мобиль тўгараклар ташкил қилишни режалаштирганмиз. Болаларнинг турли саволларига жавоб бера оладиган виртуал энциклопедия дастури қарийб тайёр бўлди. Ментал арифметикани ўргатиш учун ўқув марказлари ишга туширилиши арафасида.

- Бунча кенг кўламдаги ишларга қандай улгурасиз?

- Инсон яхшилик қилиш, кимгадир нафим тегсин деган мақсад билан ишласа албатта йўлидаги ғовлар осон олиб ташланар экан.

- Лекин олинмаган ғовлар ҳам бўлгандир…

- Тўрт-беш йил аввал электр энергиясида қанчалик муаммолар бўлганини биласиз. Ўша пайтлар йўлларда светофор ўчиб қолиб, тартибсизликлар кўпайиб кетарди. Ўшанда жамоамиз билан электр энергиясида узилиш бўлса-да, светофор ишлаб туриши мумкин бўлган қурилма ясадик. Шуни тегишли амалдорлардан бирига олиб бориб кўрсатганимда у киши менга қараб «бу қурилмангни лойиҳангда ёзганингдай эмас, балки фалон сўм қилиб кўрсат, ўша сумма мени ҳаққим бўлади, кейин уни амалга оширамиз», деганди. Тўғриси, бу гапдан ҳафсалам пир бўлди, ноинсофликдан ранжидим ва таклифни рад этдим. Яхшилик қилиш учун ҳаракат қилсанг-у сени очиқчасига ҳақорат қилишса, бундан ёмони бўлмаса керак.

- Дарвоқе, айни коронавирус пандемияси пайтида одамларга кислород конденцаторлари ва кислород ёстиқчаларини вақтинча ишлатиб туриш учун бепул тарқатишни йўлга қўйдиларингиз…

- Ҳа, бир гуруҳ кўнгиллилар жамоамиз бор. Улар қийин вазиятларда одамларга ёрдам бериш учун маблағи ҳам, тоза қалби ҳам бор инсонлар. Ижтимоий тармоқларда одамларнинг нафас олиши қийинлашаётгани туфайли оғир аҳволда қолаётган беморлар билан боғлиқ хабарлар тарқала бошлагач, шундай асбоблардан сотиб олиб, мутахассис билан одамларнинг уйига етказиб бердик.

- Саховат ишларингизга шубҳа билан қараётганлар ҳам кўп бўлса керак?

- Албатта. Солиқ идорасининг бир ходими очиқчасига "Нима фойда топасизлар, бунақа ишлардан?", деди. Ҳеч қандай, яхшилик қилиш учун бажаряпмиз, десак, яна саволга тутаверди. «Ахмоқмиз шунақа!», деб қутулиб қўяқолдик.

- Серқирра фаолиятингизга омад тилаймиз!

Гулруҳ МЎМИНОВА
суҳбатлашди.

АЛЛОМА меросини чуқур тадқиқ этишга имконият

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Абу Мансур ал-Мотуридийнинг кўп асарлари бизгача етиб келмаган, етиб келганлари ҳам асосан хорижий мамлакатлар кутубхона ва қўлёзма фондларида сақланади. Фақат ислом оламида жуда нозик ҳисобланган "Китоб ут-тавҳид" асари бизнинг давримизгача етиб келган ва 1970 йилда Фатҳуллоҳ Хулиф томонидан Байрутда нашр этилган. У ислом динидаги суннийларнинг тўртта асосий мазҳаби асосчиларининг асарларини ўрганиб, фиққа ва каломга оид асар ёзади.

Ал-Мотуридий ўз даврининг исломий илмлари соҳасида энг етук билим соҳиби ҳисобланиб, мусулмон дунёси олимлари томонидан тан олинган ва ҳозирда ҳам турли диний асарларда зўр эҳтиром билан тилга олинади.

Бу етук алломани улуғлаб "Имом ал-Худа" ва "Имом ал-мутакаллимин" (Ҳидоят йўли имоми ва мутакаллимлар имоми) каби номлар билан ҳам атаганлар.

Ислом динининг ривожи учун улкан ҳисса қўшган бу буюк аллома, дин пешвоси, ватандошимиз 944–945 йилда Самарқандда вафот этган ва шаҳар чеккасидаги "Чокардиза" қабристонига дафн этилган.

Аллома ҳаётини ҳамда илмий меросини яна-да чуқур ўрганиш мақсадида жорий йилнинг 11 август куни Президентимизнинг «Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Қарорга кўра, Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳузурида ташкил этилди. Шунингдек, Имом Мотуридий номидаги халқаро стипендия ҳам таъсис этилди.

Таъкидлаш лозимки, жорий йилнинг март ойи дастлабки кунларида Мисрдаги Ал-Азҳар мажмуаси билан ҳамкорликда Самарқандда ўтказилган "Имом Абу Мансур Мотуридий ва мотуридия таълимоти: ўтмиш ва бугун" мавзусида халқаро конференцияда ҳам юртимиз ва хорижлик олимлар Имом Мотуридий меросини чуқур ўрганиш ва унинг ислом цивилизацияси ривожига қўшган бебаҳо ҳиссасини халқаро миқёсда тарғиб этиш зарурлигини алоҳида қайд этган эди.

Давлатимиз раҳбарининг қарорида белгиланган кўплаб вазифа ва чора-тадбирлар эса айнан мана шу конференция якунлари бўйича қабул қилинган ҳужжатларда ҳам ўз аксини топган эди.

Қисқача айтганда, Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказининг ташкил этилиши мамлакатимизда диний-маърифий соҳадаги ислоҳотларнинг янги босқичи сифатида улуғ аллома аждодларимизнинг ибратли ҳаёти ва бой илмий меросини чуқур тадқиқ этиш, ёшларимизни эзгу умуминсоний ғоялар, муқаддас динимизнинг илм-маърифат, ҳалол-поклик, юксак ахлоқ ва эзгулик таълимоти асосида тарбиялаш имконини беради.

Зайниддин ЭШОНҚУЛОВ,
вилоят бош имом-хатиби.

Самарқандда тест синовлари 11 кун давом этади

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).



Имтиҳонлар ўтказиладиган жойларга стол-стуллар келтирилиб, телекоммуникация тармоқлари тортилмоқда.

- Карантин талабларига мувофиқ тест синовлари икки навбатда ўтказилади, - дейди Давлат тест маркази вилоят бўлими раҳбари вазифасини бажарувчи Воҳид Сирлибоев. – Жараёнлар учун ажратилган жойларда бир навбатда 6 минг 120 нафар абитуриент тест синовларидан ўтиш имконига эга. Бир кунда 12 минг 240 абитуриент имтиҳон топширишини ҳисобга олсак, вилоятимизда бу жараён 11 кун давом этади. Абитуриентларнинг ота-оналари ва яқинлари учун ўтган йилгидек барча шароитлар яратилади, аммо шуни инобатга олиш керакки, зарурат бўлмаса жараёнларни уйда қолиб, маҳаллий телевидение ёки **test2020.uz** сайти орқали онлайн кузатиб боришлари ҳам мумкин.

Тўлқин СИДДИҚОВ.

Хотира

Отамнинг овчилиги жангда қўл келган

Онамнинг айтишича, мен 6 ойлик чақалоқ пайтимда отам урушга кетган ва Белоруссиядаги жангларнинг бирида қаҳрамонларча ҳалок бўлган экан. Эсимни таниганимданоқ отам ҳақида ким нима билса ҳаммасини гапириб беришларини истар, вужудим қулоқ бўлиб тинглашга ҳаракат қилардим.

- Отанг моҳир овчи бўлган, - дерди қўшнимиз Маъруф амаки унинг яхши фазилатлари ҳақида ҳикоя қила туриб. – Овга чиқса осмонда баланд учаётган қушни уриб туширарди. Мерганлигига унга устозлик қилган овчилар ҳам тан берарди.

Отамнинг овчи бўлганлиги уруш даврида жанг майдонларида ҳам қўл келган экан. Бу ҳақда менга маҳалладошимиз - отамнинг қуролдош дўсти Ботир ака гапириб берган эди.

- Ҳозирда биз яшаётган, Самарқанд шаҳри Галаосиё маҳалласидан 19 киши урушга кетиб, ёлғиз ўзим қайтиб келдим, - дерди Ботир ака ғамгин ҳолда. – Отанг билан қадрдон дўст эдим. Урушда ҳам елкама-елка жанг қилганмиз. Биз асосан кўприк қуриш билан шуғулланардик. Белоруссиядаги бир дарё устида кўприк қуриш ишлари якунига етай деганда фашист жангчилари дарёнинг нариги томонидан бизга қақшатқич зарба берди. Ўша пайтда кўплаб қадрдонларимиздан айрилдик. Аммо кўприк қуришда давом этдик. Душман аскарлари окопларга яшириниб, бизга қаршилик кўрсатмоқчи бўлганида, отанг бир дарахт устига чиқиб, окопдан бошини чиқарган душманни снайпердай кўзлаб автоматидан ўқ узарди. Уларнинг биз томонга ҳужум қилишига йўл қўймаган. Бу орада биз кўприк қуриш ишларини якунлаб олдик. Афсуски, душман тарафдан қўшимча куч етиб келиб, "снаряд"дан кетма-кет отилган ўқлар отанг турган дарахтни кўпориб ташлади. Яраланиб оғир аҳволда ётса-да, "Буйруқ бажарилдими?" дебди у қўмондонимизга. "Ҳа, аъло даражада" деган жавобни эшитиб, жони узилибди.

Мен отамнинг вафот этганига ишонмасдим. У ҳақида кўпроқ маълумот тўплашга ҳаракат қилардим. Урушдан кейин бир гуруҳ ҳарбийлар уйимизга орден ва медаллар, совға-саломлар олиб келиб, отам ҳақида илиқ фикрларни айтиб, урушда кўрсатган қаҳрамонликлари ҳақида гапирдилар. Отамнинг урушда кўрсатган хизматлари учун маҳалламиз ҳудудидаги 18 сотих ер майдонини онамнинг номига расмийлаштириб берди. Айнан шу ҳудудда бир пайтлар отам тегирмон ишлатган экан. Унинг номини абадийлаштириш мақсадида бу жойни ободонлаштириб, чойхона қурдирдим. Атрофига манзарали дарахтлар экдим.

Отам Беларусь давлатининг Могилёв деган шаҳридаги қабристонлардан бирига дафн этилган экан. Қабрини зиёрат қилиб келдим. Аммо барибир уни тирикдек ҳис қиламан. 78 ёшга кирган мўйсафид бўлсам ҳам отамнинг эшик қоқиб кириб келишини истайман. Фарзандларим ва невараларимга меҳр кўрсатиб туриб, ота меҳри қандай бўларкан-а, деб ўйланиб қоламан.

Рофи НОСИРОВ,
Самарқанд шаҳри.

REKLAMA, E'LONLAR, BILDIRISHLAR / Газетамиз ҳафтада уч марта – сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чоп этилади / Газетада чоп этилаётган реклама ва эълонлар тезкор, самарали ва ҳамёнбоп / МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: (0366) 233-91-56

"KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI"

масъулияти чекланган жамияти Самарқанд вилоят филиали бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади

Аукцион савдосига «Ватанпарвар» ташкилоти Самарқанд бирлашган техника мактабининг 2020 йил 17 августдаги 83-сонли буюртманомасига асосан Самарқанд тумани Дўстлик маҳалласида (олдинги Каттақўрғонариқ ҚФЙ, Янгиариқ қишлоғи) ҳудудида жойлашган, умумий майдони 6,9 га., қурилиш ости майдони 1419,05 м.кв., фойдали майдони 1409,8 м.кв. бўлган **ўқув машқ базаси**. Бошланғич баҳоси – 1 327 543 000 сўмда қўйилмоқда.

Аукцион савдоси **2020 йил 21 сентябрь куни соат 11:00 да** Самарқанд шаҳри М.Кошғарий кўчаси, 58-уйда бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан сотувчи вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишингиз мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдодан бир кун олдин соат 18:00 да тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ Самарқанд вилоят филиалининг АТИБ "Ипотека банк" Кўксарой филиалидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: Ҳ/р: 20208000604920609025, МФО: 00262, СТИР: 207122519.

Савдода иштирок этиш учун талабномалар қабул қилинадиган манзил: Самарқанд шаҳри М.Кошғарий кўчаси, 58-уй, 2-қават, 205-хона. Тел/факс: 66-233-80-13. Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Веб-сайт: www.1kms.uz.

Хизматлар лицензияланган.

«SAMARQAND MULK MARKAZI»

масъулияти чекланган жамияти бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади

Савдога Самарқанд вилоят ҳокимлигининг 17.08.2020 йилдаги 15-15/820-сонли буюртманомасига асосан Самарқанд шаҳри Кўксарой майдони 2-уйда сақланаётган қуйидаги автомашиналар такроран қўйилмоқда:

1) А/м «ЛАСЕТТИ». 2013 й. и/ч., д/б. 30 212 SAA, т/н. Б.б. – 69 388 000 сўм;

2) А/м «ЛАСЕТТИ». 2009 й. и/ч., д/б. 30 213 SAA, т/н. Б.б. – 48 313 000 сўм;

3) А/м «ЛАСЕТТИ». 2015 й. и/ч., д/б. 30 214 SAA, т/н. Б.б. – 74 400 000 сўм.

Аукцион савдоси **2020 йил 4 сентябрь куни соат 11:00 да** бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Ушбу автомашиналар 4 сентябрь куни сотилмаган тақдирда, уларнинг такрорий савдолари 11, 18 сентябрь кунлари соат 11:00 да ўтказилади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишига бир кун қолганда соат 18:00 да тўхтатилади. Савдо ғолибига 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Талабгорлар автомашина бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини АТИБ "Ипотека банк" Кўксарой филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: Ҳ/р: 20208000804942465001, МФО: 00262, СТИР: 302129857.

Савдо ўтказиладиган манзил: Самарқанд шаҳри М.Кошғарий кўчаси, 58-уй, 2-қават. Тел/факс: 66-233-80-13.

Хизматлар лицензияланган.

Муҳсин АҲАДОВ

Бешафқат ўлим беназир инсон, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими М.Аҳадовни орамиздан олиб кетди.

М.Аҳадов 1940 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. 1957 йилда Самарқанд шаҳрида 18-ўрта мактабни тамомлаб, Самарқанд чой қадоқлаш фабрикасида меҳнат фаолиятини бошлади. 1962 йилда Самарқанд давлат университетининг химия-биология факультети (кечки бўлим) талабаси бўлди. Шу даврнинг ўзида Самарқанд шаҳар 48-ўрта мактабида болалар етакчиси вазифасида ишлади. 1966 йил олий ўқув юртини тамомлаб, муассасада бош лаборант сифатида меҳнат қилди.

М.Аҳадов устоз бўлишдек саодатга эришишда кўп қиррали ҳаёт йўлини босиб ўтди. У ҳаётий тажрибалари билан мактабга келди ва педагогик фаолиятини 1970 йилда Панжоб маҳалласидаги 7-ўрта мактабда биология фани ўқитувчилигидан бошлади. Сўнгра Самарқанд шаҳар 14-ўрта мактабида педагогик фаолиятини давом эттирди. 1975 йилдан ушбу мактабда ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари вазифада узоқ йиллар ишлади.

Изланувчан устоз мактабда ишлаган даврларида ҳар бир ўқувчини ўз фарзандидек ардоқлаб, баркамол инсон қилиб тарбиялашга интилди. У ўзининг ҳалол ва машаққатли меҳнати орқали маҳалладошлари ва шогирдлар орасида катта ҳурмат-эътибор қозонди.

М.Аҳадовнинг меҳнатлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. Устоз "Халқ маорифи аълочиси", "Олий тоифали ўқитувчи", "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими" каби унвонларга сазовор бўлди.

Бу маърифатпарвар инсон фақтгина мактабда эмас, балки маҳаллада ҳам жон куйдириб ишлади. У киши "Нуронийлар" жамғармасида ҳам, маҳалла фуқаролар йиғини раиси сифатида ҳам фаол меҳнат қилди. Доим маҳалладошларининг оғирини енгил қилишга, ёш оилаларни ҳаёт сабоқларидан тўғри хулосалар чиқаришга ундаб келди.

Беназир инсон, меҳридарё муаллим М.Аҳадовнинг ёрқин сиймоси ҳамда порлоқ хотираси у кишининг яқинлари ва шогирдлари қалбида ўчмас нур бўлиб қолади.

БИР ГУРУҲ ШОГИРДЛАРИ.

АКЦИЯДОР БЎЛМОҚЧИМИСИЗ?

Самарқанд шаҳри Мирзо Улуғбек кўчаси, 50-уй манзилида жойлашган (почта индекси: 140100, СТИР: 200615613) "Самарқандпахтасаноат" ҳудудий акциядорлик бирлашмаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 мартдаги "Пахтачилик соҳасида бозор тамойилларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4633-сонли қарорига асосан, ихтиёрий равишда тугатилмоқда.

"Ўзпахтасаноат" акциядорлик жамияти тугатиш комиссиясининг 2020 йил 18 майдаги 4-сон мажлис баёни ҳамда ушбу баён билан тасдиқланган "Ўзпахтасаноат" АЖ ва унинг тизим корхоналари активларини (кўчмас мулк, акция (улуш) пакетлари)ни ошкора савдоларга чиқариш ёки давлат тендер комиссиясининг қарорига асосан тўғридан тўғри сотиш тартибига кўра, "Самарқандпахтасаноат" ҳудудий акциядорлик бирлашмасининг барча кўчмас мулклари, акция (улуш) пакетлари мустақил баҳолаш ташкилотлари томонидан баҳоланган қийматида сотувга чиқарилаётганлигини маълум қиламиз.

Тугатилаётган "Самарқандпахтасаноат" ҲАБнинг ушбу мулклари бўйича талабгорлар ўз таклифларини газетада эълон чиққан кундан бошлаб, бир ой давомида Самарқанд вилояти Паст Дарғом тумани Балхиён МФЙ ҳудудида жойлашган "Самарқанд минтақавий пахта терминали" МЧЖ маъмурий биносида ёки "E-ijro" аукцион савдо майдончасининг сайтида ўз таклифларини беришлари ва танишишлари мумкинлигини маълум қиламиз.

Савдога чиқарилаётган акция пакетлар (улушлар) ҳамда носоҳавий активлар рўйхати:

(минг сўмда)

Т/р	Корхонанинг номи	Устав фонди	«Пахтасаноат» ҲАБ	
			Сумма	Фоиз
1	«Каттақўрғон пахта тозалаш» АЖ	1 582 640,0	807 120,0	51,0
2	«Зирабулоқ пахта тозалаш» АЖ	1 824 026,0	930 254,0	51,0
3	«Жума пахта тозалаш» АЖ	2 106 881,7	1 074 483,9	51,0
4	«Челак пахта тозалаш» АЖ	1 454 594,0	746 940,0	51,0
5	«Зиёвуддин пахта тозалаш» АЖ	89 491,0	46 610,0	51,0
6	«Янгиқўрғон пахта тозалаш» АЖ	750 851,0	382 941,0	51,0
7	«Митан пахта тозалаш» АЖ	1 463 355,8	746 311,0	51,0
8	«Жума Ремонт Механика заводи» МЧЖ	5841,0	1 460,0	25,00
9	«Пахтакор» МЧЖ	2 134,0	534,0	25,00
10	«Паст Дарғом таъминот» МЧЖ	112 000,0	28 000,0	25,00
15	«Улуғбек Ойбек чорвачилик» МЧЖ	4 122 350,0	4 120 962,5	99,96
16	«Умид пахта транс» МЧЖ	7 000,0	4 200,0	60,0
17	«Самарқанд пахта транс» МЧЖ	2 733 680,0	582 680,0	21,31
18	«Қалдирғоч Нафис боғлари» МЧЖ	6 189 374,0	6 188 699,0	99,99
19	«Самарқанд Дастур Сервис» МЧЖ	3 355,0	2 000,0	60,00
20	«Ўз РСТБ» АЖ (Биржа)	15 742	7560,0	0,048

"САМАРҚАНДПАХТАСАНОАТ" ҲАБ ТУГАТИШ КОМИССИЯСИ.

ДАЪВОЛАР БЎЛСА

Самарқанд шаҳар «Ягона дарча» марказидан 2018 йил 1 февралда 670402 реестр рақами билан рўйхатга олинган Аслиев Фаридун Фазлиддинович якка тартибдаги тадбиркори (қисқартирилган номи: Аслиев Ф.Ф. ЯТТ) тадбиркорнинг 2020 йил 18 августдаги қарорига асосан ихтиёрий равишда ўз иш фаолиятини тугатмоқда.

Шу муносабат билан унга билдириладиган барча эътирозлар газетада эълон чоп этилгач, икки ой давомида қабул қилинади.

Тадбиркорнинг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳри Чорбоғ маҳалласи.

Тадбиркорнинг солиқ тўлайдиган идентификацион рақами (СТИР): 590272244.

* * *

Самарқанд шаҳар «Ягона дарча» марказидан 2016 йил 4 декабрда 2831 реестр рақами билан рўйхатга олинган «JASUR NUR SAVDO» хусусий корхонаси (қисқартирилган номи: «JASUR NUR SAVDO» ХК) корхона ягона таъсисчисининг 2020 йил 19 августдаги 1-сонли қарорига асосан ихтиёрий равишда тугатилмоқда.

Шу муносабат билан унга билдириладиган барча эътирозлар газетада эълон чоп этилгач, икки ой давомида қабул қилинади.

Корхонанинг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳри 8-март кўчаси, 1-йўлак, 34-уй.

Корхонанинг солиқ тўлайдиган идентификацион рақами (СТИР): 300069958.

* * *

Самарқанд туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Абдуллаев Нодир Джамолиддинович нотариал идорасида марҳум Боймирзоев Нарзуллога (2018 йил 9 мартда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Абдуллаев Нодир Джамолиддинович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд тумани У.Самиев кўчаси, 1-уй.

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Норқулов Алишер Тошболтаевич нотариал идорасида марҳум Ходжикурбонова Наргиза Рустамовнага (2018 йил 7 июлда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Норқулов Алишер Тошболтаевич нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Абу Райҳон Беруний кўчаси, 12-уй.

* * *

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Самарқанд қурилиш ва саноат техникумидан 1994 йилда Эгамбердиев Акмал Рустамович номига берилган НТ-236409 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Оқдарё туманидаги "OQDARYO TADBIRKOR VA QURUVCHI" унитар корхонасининг (СТИР: 306712074) думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд давлат тиббиёт институти қошидаги 1-сон академик лицейидан 2017 йилда Каримов Хусан Саъдулло ўғли номига берилган L № 0305089 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд вилоят ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг Самарқанд шаҳар филиалидан Гулямов Умид Гуламмамадовичга қарашли Самарқанд шаҳри Қуйи Хўжасоат маҳалласида жойлашган уй-жойнинг кадастр ҳужжатлари тўплами йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд вилояти ҳокимлиги жамоаси Ургут тумани ҳокими Маматжон Турдиевга отаси

Муқум ТУРДИЕВнинг

вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Самарқанд давлат тиббиёт институти маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси институт офтольмология кафедраси ассистенти Номоз Очиловга онаси

ҲАКИМА аянинг

вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Самарқанд давлат университети қачон ташкил топган?

Бугун бу саволга ўрин қолмади. Негаки, профессор Рустам Холмуродовнинг шу номли мақоласи нафақат илмий доиралар, балки турли касб эгалари, умуман, кенг жамоатчилик томонидан эътироф этилди.

Шу билан бирга, унда берилган таклиф илмий жамоатчилик, шу жумладан, халқ депутатлари вилоят Кенгаши томонидан қўллаб-қувватланди. Натижада Самарқанд вилоятининг вакиллик органи қарорига кўра, кўҳна диёримиздаги илк олий даргоҳ, деб тан олинган Самарқанд давлат университетининг 600 йиллигини кенг нишонлаш белгиланди.

ҚАРОР НЕЧОҒЛИК АДОЛАТЛИ?

Европалик машҳур ёзувчи, файласуф ва тарихчи олим Вольтер (1694-1778 йй.) «Трансоксиянада унинг (Амир Темур) ўрнига тахтга чиққан машҳур Улуғбек Самарқандда биринчи академияга асос солди» деган гапни ёзиб қолдирган.

Тарихдан маълумки, мазкур академияда юзлаб олимлар тарбияланган. Хусусан, усмонийларнинг 6-султони Меҳмет Фотиҳ Истанбулни фатҳ этгач, асос солинган Истанбул университети (Улуғбек мадрасасидан 33 йил кейин - 1453 йилда)нинг биринчи ректори Улуғбекнинг шогирди Мавлоно Али Қушчи бўлган. Биргина шу мисолнинг ўзи Самарқанд давлат университети нечоғлик катта салоҳиятга эга тарих билан чамбарчас боғлиқлигини кўрсатиб турибди.

Рост, Ўзбекистондагина эмас, бутун мусулмон Шарқида олий таълимнинг вужудга келиши ва тараққиётида муҳим роль ўйнаган Улуғбек мадрасасининг ҳуқуқий вориси Самарқанд давлат университетида тарихий анъаналар давом эттирилмоқда.

Жумладан, Самарқанд давлат университети ташаббуси билан 2017 йилда астрономия ва астрофизика бўйича талабалар олимпиадасига асос солинди.

Кейинги йилларда Улуғбек қолдирган меросга бўлган эътибор давлат даражасига кўтарилиб, нафақат Самарқандда, балки Ўзбекистон Миллий университети, Андижон давлат университети каби таълим муассасаларида ўқув-илмий расадхоналар ташкил қилинди ва улар замонавий телескоплар билан жиҳозланди.

ВОРИСЛИККА МУНОСИБ ДАРГОҲ

Албатта, тарихий ҳақиқатни тиклашда бир гуруҳ олимлар билан бирга Рустам Холмуродовнинг катта хизматлари, сиёсий фаоллигини алоҳида тилга олиб ўтиш ўринли. Негаки, айнан домланинг раҳбарлигида бу ишга енг шимариб киришилди. Эътиборлиси, университет ректорининг ташаббуси билан университетнинг нуфузи ҳам номига муносиб бўлиши учун зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда.

У кишининг ташаббуси билан жорий йилнинг 16-17 июль кунлари Самарқанд шаҳрида "Самарқанд давлат университети – Улуғбек мадрасаи олиясининг вориси" мавзусидаги халқаро онлайн илмий конференция бўлиб ўтди.

Унда вилоят ҳокими Эркинжон Турдимов, ЮНЕСКОнинг Марказий Осиё ваколатхонаси раҳбари Криста Пикат, Олий ва ўрта-махсус таълим вазири Иномжон Мажидов, шунингдек, хорижий олий таълим муассасалари раҳбарлари маъруза қилди. Тадбирда маҳаллий ва хорижлик олимларнинг 30 га яқин маърузалари тингланди. Шунинг ўзиёқ университет нуфузини тиклаш, унинг халқаро обрў-эътиборини юксалтириш борасидаги муҳим қадам эмасми?

Яшаш жойларининг координатларини аниқлаш, 1018 юлдузни ўз ичига олган мукаммал юлдузлар жадвалини тузиш, қуёш йилининг 365 кун 10 дақиқа 8 сониядан иборатлигини ҳисоблаб чиқиш (хатоси 0,58 сония, холос) Самарқанд академиясини дунёга танитиб, бутун илм-фан намояндалари диққатини ўзига жалб этган Улуғбек мадрасаси XV асрда қурилган Ислом Шарқининг энг яхши дорилфунунларидан бири бўлган.

Бугунги кунда университетимизда ушбу шонли тарихга муносиб ворис бўлишга, уни халқаро рейтингда пешқадамлар қаторига олиб чиқишга ҳаракат қилинмоқда. Бу борада олиб борилаётган ишларга биргина 2020-2021 ўқув йилидан бошлаб ўқув жараёни кредит-модуль тизимида ташкил этилаётганини ҳам мисол тариқасида айтиб ўтиш мумкин.

УЛУҒ АЛЛОМАЛАР ИЗИДАН

Университет ҳаётида рўй бераётган янгиликлар, унинг тарихий салоҳиятини тиклаш борасидаги ишлар ушбу даргоҳда фаолият олиб бораётган профессор-ўқитувчиларга ҳам улкан масъулият юклайди. Уларга таълим-тарбиянинг замонавий методларини ўрганиш, уларни касбий фаолиятида қўллаш мажбуриятини қўяди. Қолаверса, илмий изланишлар самарадорлигини ошириб, илм-фан ривожига муносиб ҳисса қўшишни тақозо қилади.

Шу ўринда айтиш мумкинки, бу борада филология факультети ўқитувчи-педагогларидан алоҳида фаоллик талаб қилинади. Негаки, 1920 йилда икки йиллик педагогик йўналишдаги олий ўқув юрти сифатида фаолиятини бошлаб, 1927 йилда Самарқанд педагогика академиясига айлантирилган, 1930 йилда Ўзбекистон педагогика институти, 1933 йили Ўзбек давлат университети ва кейинроқ Самарқанд давлат университети мақомини олган илм масканимизнинг дастлабки профессор-ўқитувчилари таркибида Ҳожи Муин Шукуруллаев, Абдурауф Фитрат, Ғози Олим Юнусовлар бўлган. Улар нафақат педагогик фаолияти, балки илмий изланишлари билан ҳам ўзбек тили ва адабиёти фани ривожига салмоқли ҳисса қўшган.

Қолаверса, Абдурахмон Жомий дастлабки таълимни айнан Улуғбек мадрасасида олган. Ўзбек адабий тилининг асосчиси Алишер Навоийнинг Самарқандда олган икки йиллик таълимидан сўнг унинг қарашларида, ижодида туб бурилиш бўлганлиги тарихий манбалардан маълум.

Д.ИСЛОМОВА,
Самарқанд давлат университети филология факультети ассистент-ўқитувчиси.

Қутлов, реклама

"ИПАК ЙЎЛИ"
BANK IPAK YO'LI
акциядорлик инновация тижорат банки
Самарқанд вилоят филиали жамоаси
барчани энг улуғ,
энг азиз байрам –
МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ
29
ЙИЛЛИГИ
билан самимий табриклайди.
ОСМОНИМИЗ МУСАФФОЛИГИ,
ЮРТИМИЗ ТИНЧЛИГИ, ВАТАНИМИЗ
МУСТАҚИЛЛИГИ АБАДИЙ БЎЛСИН!
Хизматлар лицензияланган

Қутлов, реклама

UZTELECOM
акциядорлик компанияси
Самарқанд филиали
юртдошларимизни
яқинлашаётган
Мустақиллик
куни
билан табриклайди.
БАҒРИКЕНГ, МАТОНАТЛИ
ВАТАНДОШЛАРИМИЗГА
ОМОНЛИК, ХОТИРЖАМЛИК
ТИЛАЙМИЗ!
Хизматлар лицензияланган

Zarafshon
САМАРКАНДСКИЙ ВЕСТНИК

© МУАССИСЛАР: халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгаши ва вилоят ҳокимлиги

Бош муҳаррир: Фармон ТОШЕВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг Самарқанд вилоят матбуот ва ахборот бошқармасида 2012 йил 30 мартда 09-01 рақам билан рўйхатга олинган. Нашр 100. Индекс 438. 10 754 нусхада чоп этилди. Буюртма 461

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.

Ҳажми 2 босма табоқ, бичими А-2

КАБУЛХОНА: 233-91-51, ХАТЛАР ВА МУРОЖААТЛАР: 233-91-53.
БЎЛИМЛАР: 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61.
РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР: 233-91-56.

МАНЗИЛИМИЗ: 140100, Самарқанд шаҳри, Улуғ Турсунов кўчаси, 80-уй, Матбуот уйи.

Газета "Зарафшон" таҳририятининг компьютер бўлимида саҳифаланди. "Ношир люкс" МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Самарқанд шаҳри, Спитамен кўчаси, 270-уй.
Босишга топшириш вақти: соат 18:30 да. Босишга топширилди: соат 19:00 да.

Навбатчи муҳаррир: А.ҲАЙДАРОВ.
Навбатчи: Т.СИДДИҚОВ.
Саҳифаловчи: Б.АБДУЛЛАЕВ.

Сотувда нархи келишилган ҳолда

ISSN-201667X
9 772010 667009